

БУЮК СИЙМОЛАР

АЗИЗ ҚАЮМОВ



АЛИШЕР
НАВОИЙ

УДК: 821.512.133
ББК 83.3(5Ў)6
Қ 33

ЎЗБЕКISTОН

Таҳрир ҳайъати:

Б. Абдуҳалимов, С. Каримова, И. Шоймардонов


БОСМА

Тақризчи:

филология фанлари доктори, профессор *С. Ҳасанов*

Ўзбек адабиётининг асосчиси, йирик мутафаккир Алишер Навоийнинг ижодига бағишлаб кўплаб асарлар битилган. Қўлингиздаги рисола шулар қаторидаги бир кичик асар бўлиши баробарида унда Навоийнинг шоир бўлиб шаклланиши, унинг инсоний ва арбоб сифатидаги фазилатлари, устозлари билан муносабатлари ўрта аср манбалари асосида ёритилган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



Рисола ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий кенгашининг қарори асосида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-01-666-8

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2011

ИШОНЧЛИ МАНБАЛАР

Ўзбек адабиёти, маданиятининг улуғ арбоби, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг (1441–1501) ижодий мероси узоқ йиллардан бери эл-юрт диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда. Ўзбекистон навоийшунослари авлоддан-авлодга ўтиб келаётган илмий ва ижодий анъаналарни давом эттириб, навоийшуносликни ривожлантириб келмоқдалар.

1967 йили Алишер Навоийнинг 525 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистонда Навоий асарларининг нашр этилиши, Навоийга оид илмий ва оммавий адабиётнинг тобора ортиши, ўтказилган қатор оммавий тадбирлар буюк ижодкор асарларининг ғоявий ва бадиий мазмунини кенг ёйишга хизмат қилди.

Ўша вақтда Москвадаги Жаҳон адабиёти институтида Навоийга бағишланган илмий йиғин ўтказилди. Унда москвалик ва Ўзбекистондан борган навоийшунос олимлар маърузалар қилдилар.

Ушбу йиғилишда мен ҳам қатнашган эдим. Аммо йиғин тугагач, хизмат ишлари туфайли тезроқ Тошкентга қайтдим. Бошқа олимларимиз Москвада қолиб, бу ердаги ўқув юртлари ва корхоналарда учрашувлар ўтказдилар, Навоий ижодини кенгроқ кўламда тарғиб этдилар. Улар Москвадан Тошкентга қайтиб келганларидан сўнг мен машҳур адабиётшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовдан (1926–2005) бу учрашувлар қандай ўтганини сўрадим.

– Қизиқарли ва фойдали ўтди, – деди А. Ҳайитметов. – Аммо бир заводда ишчиларга Навоий ҳақида

сўзлаб берганимиздан сўнг бир йигит савол берди. У биз учун сал қутилмаган бўлди. «Қандай савол берди?» — деб сўрадим мен.

«Сизлар Навоий ҳақида жуда аниқ, тафсилий маълумотлар бердингиз. Бу ишлар ҳаммаси бундан беш юз йил олдин бўлиб ўтган. Сизлар бу маълумотларни қаердан биласизлар, қандай манбалардан олгансизлар, уларни ишонarli деб ҳисоблаш мумкинми?» — деб сўрабди у.

Биз ҳар иккаламиз ҳам бу саволнинг жиддийлигига тан бердик. Тингловчини ишонтириш учун киши ўзининг қайси ишончли манбалардан истифода этганини билдириши шарт. Бунинг устига яна ҳар бир навоийхонлик машғулотларида бизга бериладиган доимий бир савол бор:

«Дейдиларки, Навоий ҳаёти ва ижодига оид қimmatли манбаларнинг ҳаммаси четга олиб кетилган эмиш. Ўзимизда ҳеч нарса қолмаганидан ўша китобларнинг фотонусхаларини чет эллардан олиб келиб, фойдаланишга тўғри келар эмиш. Шу ростми?»

Иккинчи саволга бериладиган жавоб биринчи саволнинг жавобидан келиб чиқади.

Биз Навоий ижодий меросини ўрганишда даставвал Навоийнинг ўз асарларидан истифода этамиз. Навоий қаламига мансуб ўттиз икки асарнинг ҳаммаси тўлалигича бизга етиб келган. Асрлар давомида турли-туман суронли босқинчилик, жангу жадаллар, хунрезликлар, ўзаро қирғинбаротлар авж олган пайтларда ҳам Навоий асарларининг қўлёзма нусхаларини авайлаб-асраб, авлодлардан авлодларга ўтқазиб, бизгача етказган муҳтарам ота-боболаримизнинг нурли хотираси олдида бош эгамиз. Халқимизнинг бу бебаҳо бойлиги ҳозир бизнинг қўлимизда. Бу нодир қўлёзма китоблар бугун мустақил Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда. Мана шулардан айримлари: «Хамса» — Али-

шер Навоийнинг беш дostonдан иборат шоҳ асари. Бу асар 1483 йили ёзила бошланган. Мана шу вақтда ҳиротлик котиб Абдужамил уни кўчира бошлаган.

Навоийнинг тўрт шеърлар тўпламидан иборат девони — «Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») — га унинг шеърларидан биринчи бор тузилган девони — «Бадоеъ ул-бидоя» («Бадийлик ибтидоси»; 1476 йили кўчириб ёзилган), шоирнинг иккинчи девони — «Наводир ун-нихоя» («Беҳад нодирликлар») киради... Бу ҳақда мукамал билишни истаган ўқувчилар Қ. Муниров, А. Носиров, М. Ҳакимов каби олимлар тузган Навоий кўлёмалари каталогларига мурожаат қилишлари мумкин.

Навоий кўп асарларида, масалан, «Хамса» асари муқаддимасида, «Лисон ут-тайр» («Қушлар тили») дostonи, «Вақфия», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Хамсат ул-мутаҳаййирин» («Беш ҳайрат») каби асарларида ўз ҳаёти, ижодий фаолияти тўғрисида маълумот бериб ўтади. Шунингдек, Навоийга замондош тарихшунослар Мирхонд, Хондамир, олим ва фозил Ҳусайн Воиз Кошифий, ҳатто Хуросон подшоҳи Султон Ҳусайн Бойқаронинг Навоий ҳақида ёзган фикрлари мавжуд. Биз Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисида гапирганимизда ва ёзганимизда ана шундай ишонарли манбалардан фойдаланамиз. Яна кўп сонли Ўзбекистон олимлари ва бошқа эллардаги ҳамкасбларимизнинг Навоий ижодий меросига оид қимматли илмий тадқиқотларига суянамыз.

ҲИРОТ, 1441 ЙИЛ

Совуқ қиш шамоли Ҳирот шаҳри кўчалари бўйлаб изғийди. У қасрлар ва юксак деворли уйлар томидан қорларни супуриб, ҳовли ва кўчаларга сочади, жипс ёпилган дераза ва кўча эшикларига ўзини уради, ўткинчи одамларнинг энгил-бошини юлқийди. Мўйлаблари устидаги намни музга айлантиради, яноқ ва бурунларини чимчилаб ўтади. Тимлар билан беркитилган

МУНДАРИЖА

Ишончли манбалар.....	3
Ҳирот, 1441 йил.....	5
Болалик ва ёшлик.....	8
«Девони Фоний».....	17
Абдурахмон Жомий.....	18
«Хамса».....	20
«Кушлар тили» достони.....	27
«Арбаин» ва «Назм ул-жавоҳир».....	28
Насрий асарлар. <i>Филология</i> . «Мажолис ун-нафоис».....	31
<i>Тарих</i> . «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки Ажам».....	35
<i>Этика</i> . «Маҳбуб ул-қулуб» («Қалблар севгани»).....	37

Ushbu kitob bilan to'liq tanishish uchun O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Asosiy kutubxonasiga tashrif buyuring.

Manzil: Toshkent shahri, 100100, M.Ulug'bek tumani, Ziyolilar ko'chasi, 13-uy.